«JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январ кунидан 2021 йил 1 январ кунигача бўлган даврдаги молиявий-хўжалик хисоботи якуни буйича

Аудиторлик хисоботи ва хулосаси

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами № 376 № 1073

2008 й. 24 март

Мазкур гувоҳнома Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi **"AFROSIYOB AUDIT STANDART"** auditorlik tashkiloti, қисқа номи эса MChJ "AFROSIYOB AUDIT STANDART" AT бўлган юридик шахсга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилди.

(давлат тилидаги тўлиқ номи)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	ТҲШ 1153
Мулкчилик шакли:	МШ 142
Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига почта манзили:	МҲОБТ 1718401
Юридик шахс коди:	КТУТ 22175547
Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига асосий фаолият тури коди:	ХХТУТ 84400
Солиқ тўловчининг идентификация рақами:	СТИР 206955352

Қўшимча маълумотлар

М.Ў.

Ваколатли орган раҳбари Холбаев Собир Боратович (имзо)

"DAVLAT BELGISI" DICHB TBF, 2008

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун

ЛИЦЕНЗИЯ

Серия АФ № 00787

2019 йил «05» апрель

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил «05» апрел даги 410-аф-сон буйругига мувофиқ

MChJ shaklidagi «AFROSIYOB AUDIT STANDART»

(аудиторлик ташкилотининг номи)

auditorlik tashkiloti Самарканд шахри,

Спитамен шох кўч., 157-уй СТИР 206955352 га

(аудиторлик ташкилотининг почта манзили ва СТИР)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилади.

Д.Ш.Султанов

Ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

Аудиторлик ташкилоти илгари 2014 йил 10 сентябрда берилган 00726-сонли лицензияга эга бўлган

Министерство финансов Республики Узбекистан

ЛИЦЕНЗИЯ

на осуществление аудиторской деятельности

Серия АФ № 00787

«05» апреля 2019 года

В соответствии с приказом министра финансов Республики Узбекистан от «05» апреля 2019 года № 410-аф

аудиторской организации «AFROSIYOB AUDIT

(наименование аудиторской организации)

STANDART» в форме ООО г.Самарканд,

пр.Спитамен, д.157 ИНН 206955352

(почтовый адрес и ИНН аудиторской организации)

разрешается осуществление аудиторской деятельности на территории Республики Узбекистан.

Д.Ш.Султанов

Ф.И.О. и подпись уполномоченного лица

М.П.

Ранее аудиторская организация имела лицензию № 00726 от 10 сентября 2014 года

UNIVERSAL SUG'URTA

Ўзбекистон Республикаси, 100077, Тошкент шахри, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 218-220
Тел.: (+998 71) 129 00 99, факс: (+998 71) 266 90 17. E-mail: info@uns.uz, www.uns.uz

ПОЛИС № SM 01-13/00/00
СТРАХОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ АУДИТОРСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Настоящий Полис страхования выдан **АО «UNIVERSAL SUG'URTA»** (далее - Страховщик) в соответствии с условиями Договора страхования профессиональной ответственности аудиторской организации № SM 01-13/00/00 от «25» сентябрь 2020 года (далее - Договор) в целях подтверждения факта заключения Договора и уплаты страховой премии Страхователем - МЧЖ **«AFROSIYOB AUDIT STANDART»**

1. Страховая сумма	**481 225 000,00 (четыре сто восемьдесят один миллион двести двадцать пять тысяч) сум**
2. Франшиза безусловная:	80%
3. Страховая премия:	**962 450,00 (девятьсот шестьдесят две тысячи четыре сто пятьдесят) сум**
4. Период страхования:	**с «25» сентябрь 2020 года по «24» сентябрь 2021 года**

Страховщик несет обязательства по страховым случаям, произошедшим в течение периода Страхования.

Обязательства **АО «UNIVERSAL SUG'URTA»** по выплате страхового возмещения вступают в силу с «25» сентябрь 2020 года и действуют по «24» сентябрь 2021 года при условии своевременной оплаты страховой премии.

Директор
Самаркандского филиала
АО «UNIVERSAL SUG'URTA» **У.М.Махкамов.**

Дата выдачи: «25» сентябрь 2020 года.

102294

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND SHAHAR
MChJ **«AFROSIYOB AUDIT STANDART»** auditorlik tashkiloti
Manzil: Samarqand shaxar Farhod kuchasi 34/29 -uy tel. + 99895 500 22 42

Б У Й Р У Қ № 058

18 март 2021 йил **Самарқанд шахри**

«Аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисида»

Жиззах вилоят **«JIZZAX PLASTMASSA»** акциядорлик жамияти билан Самарқанд шахар MChJ **«Afrosiyob audit standart»** auditorlik tashkiloti ўртасида **2021 йил 15 март** кунида «Аудиторлик хизмати кўрсатиш юзасидан» тузилган № 094 -сонли шартномага хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2008 йил 24 март кунида руйхатга олинган MChJ **«Afrosiyob audit standart»** auditorlik tashkiloti Низомининг 15.5-бандига асосланиб,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Жиззах вилоят **«JIZZAX PLASTMASSA»** акциядорлик жамиятининг 2020-йил 1 январ кунидан 2021 йил 1 январ кунигача бўлган даврдаги молиявий хисоботлари аудиторлик кўригидан ўтказилсин.
2. Аудиторлик кўригидан ўтказишлик учун ташкилот аудитори Ў.Очилов ва ёрдамчи аудиторлар Н.Султонов хамда Ғ.Турақуловлар хизмат сафарига жўнатилсин.
3. Хизмат сафарининг муддати иш хажмидан келиб чиқиб белгилансин.
4. Буйруқни бажарилишини ўз зиммамда қолдираман.

MChJ **«Afrosiyob audit standart»**
auditorlik tashkiloti директори: **Ў.Очилов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND SHAHAR
MCHJ shaklidagi
«AFROSIYOB AUDIT STANDART»
AUDITORLIK TASHKILOTI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ГОРОД САМАРКАНД
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ
«АФРОСИЁБ АУДИТ СТАНДАРТ»
В ВИДЕ ООО

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34/29 Тел:+99895 500-22-42, +99891 528-24-46
Телеграмм +99897 921-24-46, e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 068

«2» апреля 2021 й.

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Бажарувчи, Самарқанд шахар MCHJ shaklidagi **«AFROSIYOB AUDIT STANDART»** auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019-йил 5 апрел кунида берилган № 00787-сонли аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги лицензияга хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2008 йил 24 март кунидаги № 376-тартиб рақамли гувохномасига эга бўлиб, Самарқанд шаҳри Фарход кўчаси 34 уй 29 хонада жойлашган.

Банк хисоб раками: 20208000004691763001, АТ «Турон» банкининг Самарқанд филиали, МФО 00282 , СТИР 206955352.

Аудиторлик тешируви Самарқанд шахар MChJ shaklidagi **«Afrosiyob audit standart»** auditorlik tashkilotнинг аудитори Очилов Ўлмас томонидан амалга оширилди.

Малака сертификати № 05086 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013-йил 23 февралда берилган хамда 2018 йил 23 февралда 5 (беш) йил муддатга узайтирилган.

Буюртмачи, Жиззах вилояти **«JIZZAX PLASTMASSA»** акциядорлик жамияти, Жиззах вилояти Жиззах шахар Тошкент кўчаси 5-уй..

Банк хисоб рақами: 2020 8000 600 304 463 001 АТ «Агро» банкининг Жиззах филиали МФО: 00126 СТИР 200 344 745\

Аудиторлик текшируви Самарқанд шахар MChJ shaklidagi **«Afrosiyob audit standart»** auditorlik tashkiloti билан Жиззах вилояти **«JIZZAX PLASTMASSA»** акциядорлик жамияти ўртасидаги 2021-йил 15 март кунида тузилган № 094- сонли шартномага асосан буюртмачи ташкилотнинг 2020 йил 1 январ кунидан 2021 йил 1 январ кунига кадар бўлган давр учун молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказилган молиявий хисоботининг тайёрланиши ва хакконийлиги учун Жиззах вилояти **«JIZZAX PLASTMASSA»** акциядорлик жамиятининг рахбарияти хамда мазкур молиявий хисобот бўйича аудиторлик хулосасига Самарқанд шахар MChJ shaklidagi **«Afrosiyob audit standart»** auditorlik tashkiloti жавобгар хисобланади.

Мен, аудиторлик текширувини 70-сонли «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти» (АФМС)га мувофик ўтказдим. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий хисобот жиддий бузлишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини такозо этади.

Аудиторлик текшируви хакконийликни ва молиявий хисобот хамда бошқа молиявий ахборотнинг конун хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг хакикий холатига мувофиқлигини бахолашга асосланади.

Бизнинг фикримизча, Жиззах вилояти **«JIZZAX PLASTMASSA»** акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1-январ кунидан 2021 йил 1 январ кунигача бўлган даврдаги молиявий хисоботида унинг молиявий ахволини хаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«Хулосани бердим ва тасдиқлайман»

MChJ **«Afrosiyob audit standart»**
auditorlik tashkiloti директори ва аудитори: **Ў.Очилов**

Адресат: **«JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамияти бошқарувига**

«JIZZAX PLASTMASSA» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2020 ЙИЛЛИК МОЛИЯВИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Аудиторлик текширувини бошланиш санаси 2021 йил 20 апрель
Аудиторлик текширувини тугатилиш санаси 2021 йил 26 апрель
Ҳисобот тузилиши санаси: 2021 йил 26 апрель

	Ф.И.О.	Имзоси
Ижрочи	У.Б.Очилов	
Буюртмачи	Э.Ш.Тўрақулов	

Жиззах шаҳри – 2021 й.

Жиззах вилояти Жиззах шахри «JIZZAX PLASTMASSA» Акциядорлик жамиятининг
2020 йил молиявий ҳисоботларини текшириш
РЕЖАСИ

№	Аудит амаллари номи	Изоҳ
1	КИРИШ	
1	Умумий маълумотлар, жамият фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базаси	
11	ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ	
1.	Ички назорат тизимини баҳолаш	
2	Бухгалтерия ҳисоби.	
2.1	Узоқ муддатдли активлар аудити; Асосий воситалар, номоддий активлар, узок муддатли инвестиялар, кимматли когозлар, капитал куйилмалар,бошка узоқ муддатли активлар	
2.2	Жорий активлар аудити;. Ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, кечиктирилган харажатлар, дебиторлар, пул маблаглари ва бошка жорий активлар	
2.3	Ўз маблағлари манбалари аудити; Устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, таксимланмаган фойда, мақсадли тушумлар.	
2.4	Мажбуриятлар аудити; Узок муддатли мажбуриятлар, жорий мажбуриятлар, иш ҳақи буйича хисоб-китоблар. суғурта тўловлари.	
2.5.	Даромадлар ва харажатлар хисоби аудити; Махсулот (иш, хизмат ва товар)ларни реализация қилишдан даромад, асосий фаолиятнинг бошка даромадлари, молиявий фаолият бўйича даромадлари, махсулот (иш, хизмат ва товар)лар таннархи, давр харажатлари, бошка харажатлар, Курс фарқлари.(Ташқи иқтисодий фаолият)	
3.	Солик ва мажбурий тўлов ва ажратмалар ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши аудити; Ягона солиқ, иш хакидан даромад солиги, ягона ижтимоий тўлов ва бошқа йиғимлар.	
4	Амалдаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга риоя қилиниши аудити.	
5	Кадрлар бўлими фаолияти аудити.	
6.	Молиявий хўжалик фаолиятини молиявий таҳлил қилиш	
7	Мухимлик ва аудиторлик хатарини баҳолаш. Аудит ўтказиш сифатини баҳолаш.	
III	ЯКУНИЙ ҚИСМ Тавсиялар. Хулоса.	

«Буюртмачи»
«JIZZAX PLASTMASSA»
акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси
_____ Э.Тўракулов

«Бажарувчи»
МЧЖ «Afrosiyob audit standart»
аудиторлик ташкилоти директори
_____ Ў.Очилов.

Жиззах вилояти Жиззах шахри «JIZZAX PLASTMASSA» Акциядорлик жамиятининг 2020 йилги Молиявий ҳисоботларини текшириш

Д А С Т У Р И

Текшириш даври: 01.01.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача.
Текшириш ўтказиш муддати: 01.05.2021 йилгача.
Аудиторлар таркиби: 3 нафар
Гурух раҳбари: Ў.Очилов
Ёрдамчи Аудиторлар: Н.Султонов
Ғ.Тўрақулов
Муҳимлик даражаси: 5%,

№	Аудиторлик амаллари номи	Текшириладиган хужжатлар
I	КИРИШ	
1	Умумий маълумотлар, жамият бизнесини ўрганиш, рўйхатдан ўтиш, низоми бўйича фаолияти, лицензия шартларига амал қилиш, структуравий корхоналар билан ўзаро алоқаларини текшириш	Таъсис хужжатлар,штат жадвали,
II	ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ	
1.	Ички назорат системасини бахолаш	Ички аудит хизмати фаолияти буйича хужжатлар, руйхатга олиш китоблари.
2	Бухгалтерия бирламчи ҳисоботлари қолдиқларининг молиявий ҳисоботга тўғри келишини ўрганиш.	Хисоб сиёсати,счетлар режаси плани, руйхатга олиш китоблари, бош китоб, айланма ведемостлар.
2.1	Узок муддатдли активлар; Асосий воситалар, номоддий активлар, узок муддатли инвестиялар, қимматли қогозлар, капитал қуйилмалар, бошқа узоқ муддатли активларнинг кирим-чиқими, эскириши, қайта баҳоланишини танлов йўли билан текшириш	Ишончномалар бериш китоби, материал хисоботлар, моддий жавобгарлик буйича шартномалар, актлар, айланма ведемостлар, бош китоб, молиявий хисоботлар
2.2	Жорий активлар ; Ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари, кечиктирилган харажатлар, дебиторлар, бошқа жорий активларнинг кирим-чиқими, норма бўйича сарфланиши, хисобдан чиқарилиши, сақлаш қоидаларига риоя этилишини танлов йўли билан, газнага нақд пул маблағлари ва банк ҳисоб-рақамларидаги пул маблағларининг кирим чиқимини тўлиқ текшириш	Ишончномалар бериш китоби, материал хисоботлар, моддий жавобгарлик буйича шартномалар, актлар, айланма ведемостлар,бош китоб,молиявий хисоботлар
2.3	Ўз маблаглари манбалари ; Устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, таксимланмаган фойда ва мақсадли тушумларнинг шаклланиши текшириш.	Йиғилиш баённомалари, молиявий хисобтлар
2.4	Мажбуриятлар аудити. Узок муддатли мажбуриятлар, жорий мажбуриятлар иш ҳақи бўйича хисоб-китоблар тўғрилигини текшириш.	Ишончномалар бериш китоби, материал хисоботлар, моддий жавобгарлик буйича шартномалар, актлар, айланма ведомостлар,бош китоб, молиявий хисоботлар

2.5.	Даромадлар ва харажатлар хисоби; Махсулот (иш, хизмат ва товар)ларни реализация қилишдан даромад, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолият бўйича даромадлари, махсулот (иш, хизмат ва товар)лар таннархи, давр харажатлари, бошқа харажатлар, курс фарқлари, (Ташқи иқтисодий фаолият, иш ҳақи ҳисобланиши, сафар ҳаражатлари тўғрилигини текшириш.	Шартномалар,счет-фактуралар, руйхатга олиш китоблари, таннарх расшифровкаси, таннархни шакллантириш методи, харажатлар расшифровкаси, счетлар карточкаси, журналлар,айланма ведомостлар
3.	Солик ва мажбурий тўлов ва ажратмалар ҳисобланиши ва бюджетга тўланишини текшириш.	Солик ва мажбурий тўловлар бўйича хисоботлар.
4	Амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий хужжатларга риоя қилиниши;.	Шартномалар,буйруклар.
5	Кадрлар бўлими бўйича, ходимлар бўйича буйруқларнинг тўғри расмийлаштирилиши, ходимларни меҳнат таътилига чиқиш	Штат жадвали,кадрлар бўйича буйруқлар, ходимларнинг шахсий карточкалари, лавозим йўрикномалари,мехнат таътили графиги, мехнат дафтарчалари.
6.	Молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий таҳлил қилиш орқали қорхонанинг тўлов қобилияти, қайси иқтисодий грухга мансублиги ва иш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш	Молиявий хисоботлар
7	Мухимлик ва аудиторлик ҳатарини баҳолаш.	
8	Аудит ўтказиш сифатини назорати.	Аудитор иш хужжатлари.
III	ЯКУНИЙ ҚИСМ	
	Текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва иш самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар бериш .	
	Аудиторлик хулоса тузиш ва буюртмачига тақдим этиш	

МЧЖ «Afrosiyob audit standart»
аудиторлик ташкилоти директори: **Ў.Очилов**

I. КИРИШ ҚИСМИ

Мен, (Биз) МЧЖ шаклидаги «AFROSIYOB AUDIT STANDART» аудиторлик ташкилоти директори - аудитор Очилов Ўлмас Баратович (сертификат №05086) ҳамда ёрдамчи аудиторлар Н.Султонов, Ғ.Тўрақуловлар 2020 йил 10 августда тузилган 094-сонли шартнома асосида Сиз раҳбарлик қилаётган «JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда «жамият» деб юритилади)нинг 2020 йиллик молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган Аудиторлик фаолияти миллий андозаси 70-сон АФМА талаблари ва «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни асосида аудиторлик текшируви ўтказилиб, ҳисобот тузилди. Ушбу аудиторлик ҳисоботга киритилган маълумотлар жамиятнинг тадбиркорлик сири хисобланиб, у қатъий сир сақланиши шарт. Ушбу маълумотлар аудиторлик ташкилоти томонидан жамият раҳбар ходимларининг ёзма рухсатисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Ташкилот номи: МЧЖ «AFROSIYOB AUDIT STANDART» аудиторлик ташкилоти
Почта манзили:140100. Самарқанд шаҳри, Спитамен Шох кўчаси-157 уй.
Давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 24.03.2008 йилда №1073 билан рўйхатга олинган.
СТИР: 206955352.
Ҳ/р: 20208000004691763001, МФО 00282 АК «Турон» банк, Самарқанд филиали
ОКОНХ: 84500.

Лицензия: АФ №00726, ЎзР молия вазирлиги томонидан 2014 йил 10 сентябрда берилган.

Суғурта полиси: №SM01-13, “UNIVERSAL SUGURTA” томонидан 2020 йил 25 сентябрдан 2021 йил 24 сентябргача бўлган давр учун берилган.

Аудиторлик ташкилоти директори: Очилов Ўлмас Баратович.

Текширув Сизнинг хабардорлигингизда ва бош ҳисобчи Джамолов Рашидхўжа Турсуновичнинг бевосита иштирокида олиб борилди.

Текширув 2021 йил 20-апрель куни бошланиб, 2021 йил 26 апрель куни якунланди.

Шартнома шартига мувофиқ корхонанинг молиявий–хўжалик фаолиятини текширув дастурига молиявий ҳисобот асосий кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги, солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўғрилиги киритилган эди. Текширувда юқоридаги саволлар бўйича ишлар олиб борилди. Жумладан, барча солиқлар ва мажбурий ажратмалар, касса ва банк операциялари, харажатлар, даромадлар, тақсимланмаган фойда тўлиқ текширилди. Товар моддий бойликлар ҳолати ва ҳаракати, ишчи-хизматчилар билан ҳисоб-китоблар,таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб китобларни расмийлаштирилиши, асосий воситалар, улар бўйича эскиришни ҳисобланиши, капитал қўйилмалар ва бошқа ҳисоб бўлимлари танлаб текширилди.

Текширув қуйидаги меъёрий хужжатлар ва ахборот манбаларига таянилган ҳолда ўтказилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида 2015 йил 28 июлдаги № 207 сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги 396-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги

Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сонли янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун;

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун;

Солиқ кодекси;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари;

3- сонли АФМА- Аудитни режалаштириш;

6- сонли АФМА- Аудитни ҳужжатлаштириш;

13- сонли АФМА- Таҳлилий тадбирлар;

14- сонли АФМА- Аудиторлик танлаш;

25- сонли АФМА- Аудиторлик текшируви ўтказишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини текшириш;

31- сонли АФМА- Хўжалик субьектини фаолияти билан танишиш;

50- сонли АФМА- Аудиторлик далиллари;

70- сонли АФМА- Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси

Ўтказилган текширувлар бўйича далолатнома ва жадвалий маълумотлар;

ХЮСнинг ходимлари тайёрлаган маълумотлар;

Бошқа маълумотлар.

Мазкур аудиторлик текширувига жамиятни 2020 йил 01 январдан 31 декабргача бўлган давр ичидаги йиллик «Бухгалтерия баланси»- форма 1, «Молиявий натижалар буйича ҳисобот»- форма 2, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» - форма 4, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» - форма 5, «Дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумот» - форма 2а ва унга иловалар, Давлат бюджетига тўловлар ва бадал тўловлари ҳисоботлари, банк тўловлари ва ҳужжатлар тақдим этилди.

Ушбу молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун «JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамиятининг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

«JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамиятининг молиявий хўжалик фаолияти хизмат турлари кўп хиллиги ва пул маблағларининг катта миқдорда айланишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозаларининг № 9-сон 1,2 ва 3-бандларига асосан аудиторлик таваккалчилиги (риск) олинган даромадига нисбатан 5% қилиб белгиланди.

<u>Жамиятни ташкил этилишининг ҳуқуқий асослари ва унинг иш фаолияти:</u>

2.1. «JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 17-апрелдаги “2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги 185-сонли Қарорига асосан Жиззах вилояти Жиззах шаҳри олдинги «Жиззах пластмасса» заводи жамоаси умумий йиғилиши ва «Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш Жиззах вилояти бошқармасининг 1996 йил 28-июндаги 425к-ПОа-сонли буйруғи асосида хусусийлаштириш орқали таъсис этилган. Жамиятга 2015 йил 19-августда Жиззах вилояти, Жиззах шахри “Ягона дарча маркази” томонидан 6524-сонли рақамли гувохнома берилган. СТИР: 200344745.

Жамиятнинг ҳуқуқий манзили: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси 5-уй. Жамиятнинг электрон почта ва веб-сайти манзили: jizplast@mail.ru, info@jizplast.uz, jizplast@uks.uz, www.jizplast.uz.

Жамият уз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамият фаолиятининг максади ва вазифаси фойда олиш хисобланади.

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилар хисобланади:

- полимер хом-ашёсидан хар хил ўлчамдаги пластмасса кувурлари, полиэтилен плёнкалари ва табиий ресурслар саноат чикиндиларидан фойдаланиб, кенг турдаги максулот ва товарлар ишлаб чикариш;

- жамият мулкчилик шаклидан катьий назар хар қандай хуқуқий шахслар, корхоналар, фирмалар, кичик корхоналар билан шартнома асосида қурилиш материаллари, қурилиш-монтаж, техник таъминот ва таъмирлаш ишларини олиб бориш хуқуқига эга;

-халк истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

Замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллаган, бозор шароитларида ишларни самарали ташкил эта оладиган мухандис-техник ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Бошқарув:

Жиззах вилояти Жиззах шаҳри «JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги конуни 8-моддасига мувофиқ текширилаётган давр мобайнида қўйидаги рахбар ходимлар биринчи ва иккинчи имзо қўйиш хуқуқи билан ишлаб келмоқдалар:

Тўрақулов Э.Ш. «Узкимёсаноат» Давлат акционерлик компаниясининг 2012 йил 25-майдаги 43/к сонли буйруғига асосан «Jizzax Plastmassa» акционерлик жамиятига биринчи имзо қўйиш хуқуқи билан бошқарув раиси этиб тайинланган.

Джамолов Р.Т. «Jizzax Plastmassa» акционерлик жамиятининг 2018 йил 1-майдаги 116-к сонли буйруғига асосан иккинчи имзо қўйиш хуқуқи билан бош ҳисобчи лавозимига тайинланган.

ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

Ички назорат тизими баҳоси

Жамиятда ички бошқарув назорати ташкил этилган бўлиб, ташкилий жиҳатдан ва моддий ресурслар бутлиги юзасидан текширишлар ўтказилиб, ойлик ҳисоботлар қабул қилинган, товар моддий бойликларни қолдиғини ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида ҳужжатли текширишлар ўтказилган ва далолатномалар тақдим этилган ҳамда аниқланган камчиликлар бўйича жамият раҳбарининг буйруғига асосан чора тадбирлар курилган. Товар моддий бойликлар билан муомала қилувчи моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик шартномалари тузилган.

Жамиятда амалга ошириладиган молиявий хўжалик операцияларнинг тўғри акс эттирилиши ва ҳисобининг юритилиши устидан назорат жамият бош ҳисобчисига юклатилган.

Назорат муҳити тўғрисида.

Устав талабларига асосан жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши – бошқарувнинг олий органи ҳисобланиб, молиявий, ташкилий ва жорий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

-Бошкарув – коллегиал ижрочи орган хисобланиб, жамиятнинг жорий фаолияти юзасидан раҳбарликни амалга оширади.

Жамиятнинг ички назорат тизимини жамият раиси ва жамият мутахассислари биргаликда амалга оширади. Жамиятда қўлланиладиган нормативлар, бизнес режа, ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун харажатлар сметаси, ҳар бир ходимнинг функционал вазифалари, жамоа шартномаси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида Низом, ички тартиб қоидалар, ходимларнинг хизмат вазифалари тақсимоти, меҳнат таътили жадвали, моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар ишлаб чиқилган. Ташкилий тузилма ва кадрлар сиёсати ишлаб чиқилган.

Бухгалтерия ҳисоби тизими тўғрисида.

Жамиятда юқори ташкилот йўриқномаларига асосан бухгалтерия ҳисобини ягона ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган.

Корхона ҳисобхонаси томонидан даврий ҳисоботлар тайёрланиши ва топширилиши ўрганиб чиқилганда, жамиятда 2020 йилда умумбелгиланган солиқ тизимида барча солиқ тулов турлари ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоботлар белгиланган муддатларда топшириб борилган.

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби тизимининг самарадорлиги текширилганда:

-Бухгалтерия ҳисоби 1-С Бухгалтерия программаси орқали юритилган;

-Бухгалтерия ҳисобида хўжалик операциялари мемориал ордерларда расшифровкалар тўлдириш билан тегишли ўтказмалар бериб борилган;

-Хўжалик операцияларининг тафсилотлари ҳужжатларда акс эттирилган;

-Бухгалтерия проводкалари 21- сонли Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлари (БҲМС) асосида юритилган.

2. Узоқ муддатли активлар

2.1. Асосий воситалар

Жамиятни 2020 йиллик йиғма бухгалтерия балансини 10-сатрида 2020 йил 1-январ ҳолатига асосий воситаларни бошланғич қиймати жами бўлиб 31 171 882 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 38 382 514 минг сўмни, 11-сатрида эскириш қиймати ҳисобот йили бошига 16 115 206 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 16 682 606 минг сўмни, 12-сатрида қолдиқ қиймати ҳисобот йили бошига 15 056 675 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 21 699 908 минг сўмни ташкил этган.

Асосий воситаларга ЎзР Солиқ кодекси 21-бобнинг 144-моддаси талабларига ва жамиятнинг хисоб сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқариш усулда 1 542 352 523 минг сўм эскириш қиймати ҳисобланган. Жамиятда 2020 йил давомида 9 302 570 минг сўмлик асосий воситалар кирим бўлган ва йил давомида 125 809 минг сўмлик тегишли далолатномалар ва ҳужжатлар асосида ҳисобдан чиқарилган. (Маълумотномалар илова қилинади).

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган 5-сонли “Асосий воситалар” бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига асосан Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активларига:

а) бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар киритилади.

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

Жамиятда 21-БХМС счетлари ва 5-БХМС талаблари асосида ҳисоб-китоблар юритилиб, 19-БХМС талаблари асосида йуқламадан ўтказилиб, натижалари бухгалтерия ҳисоботларида қайд этилган.

2.2. Номоддий активларни ҳисобга олиш аудити тўғрисида

Жамиятни Бухгалтерия ҳисоботида 01.01.2020 йил ҳолатига (0400,0500-счет) номоддий активлар бўлмаган ва йил давомида ҳаракат бўлмаган.

2.3 Узоқ муддатли инвестициялар (счет-0600).

Жамият балансига кўра 01.01.2020 йил ҳолатига 15 516 710,0 минг сўм қолдиқ бўлган. Шундан 0610-“Қимматли қоғозлар” счетида 39 392,0 минг сўмлик қимматли қоғозлар, қўшма корхоналар инвестициялари” (0640) счетида 13 671 542,0 минг сўмлик

инвестициялар, "бошқа узоқ муддатли инвестициялар" (0690) счётида 1 805 776,0 минг сўм қолдиқлар бўлган.

Шу сатрлар бўйича 31.12.2020 йил ҳолатига 8 931 377 минг сўмни ташкил этиб, Шундан 0610-"Қимматли қоғозлар" счетида 39 392 минг сўмлик қимматли қоғозлар, қўшма корхоналар инвестициялари" (0640) счетида 6 446 389 минг сўмлик инвестициялар, "бошқа узоқ муддатли инвестициялар" (0690) счётида 2 445 596 минг сўм қолдиқлар бўлган.

2.4.Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (счет-0700).

Жамият балансига кура асбоб-ускуналар «0700» счетда 01.01.2020 йил ҳолатига қолдиқ бўлмаган ва йил давомида ҳаракат бўлмаган.

2.5.Капитал қўйилмалар (счет-0800)

Жамият балансига кура (0800-счет) капитал қўйилмалар буйича 01.01.2020 йил ҳолатига ва ҳисобот йили охирига қолдиқ сумма бўлмаган. Йил давомида 67 341 минг сўм айланма ҳаракат бўлган.

2.6. Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (счет 0900).

Жамият балансига кура 0900-счет ўзоқ муддатли дебиторлик қарзлари счети буйича ҳисобот йили бошига қолдиқ сумма бўлмаган ва йил давомида ҳаракат бўлмаган.

3. Товар моддий заҳиралар ва бойликлар аудити

Жамиятни товар моддий заҳиралари ҳисобот йили бошига бухгалтерия балансини 140-сатрида умумий суммаси 18 951 156 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот йилини охирига эса 14 410 947 минг сўмни ташкил этган. Шундан:

Ишлаб чикариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) счетларида бухгалтерия балансини 150-сатрида ҳисобот йили бошига 6 179 866 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 1984643 минг сўмни, тугалланмаган ишлаб чикариш (2000,2100,2300,2700) бухгалтерия балансини 160-сатрида ҳисобот йили бошига 209453 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 242 707 минг сўмни, тайёр маҳсулотлар бухгалтерия балансини 170-сатрида ҳисобот йили бошига 12 537 071 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 12176736 минг сўмни, товарлар бухгалтерия балансини 180-сатрида ҳисобот йили бошига 24765 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 6862 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятда ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун бир нечта етказиб берувчилар билан шартномалар тузилган, жамият раиси томонидан имзоланган.

Жамият томонидан хўжалик-молиявий муомолалар белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартномалар асосида амалга оширилган. Амалдаги «Хўжалик субъектларининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги (1998 йил) Қонунга мувофиқ 200 минимал иш ҳақигача бўлган миқдордаги шартномаларга ҳуқуқшунос визаси қўйилиши, ундан юқори миқдордаги шартномаларга ҳуқуқшунос хулосаси илова қилиниши талаб қилинади. Манфатли битимлар ва хўжалик муомулаларига кирмайдиган йирик битимлар тўзилмаган. Жамиятда ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун бир нечта етказиб берувчилар билан шартномалар тўзилган бўлиб, барча шартномалар жамият ҳуқуқшуноси томонидан имзоланган.

4. Келгуси давр харажатлари аудити.

Жамиятнинг бухгалтерия баланси буйича келгуси давр харажатлари 01.01.2020 йил холатига қолдиқ бўлмаган. Йил охирига қолдиқ 134 минг сўмни ташкил этган.

5. Кечиктирилган харажатлар (3200)

Жамиятнинг бухгалтерия балансини 200 сатрида кечиктирилган харажатлар буйича 01.01.2020 йил холатига қолдиқ бўлмаган. Йил давомида ҳаракат бўлмаган.

6. Дебитор қарздорликлар аудити.

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12-майдаги 1154-сонли ва 1999 йил 19-июлдаги 2340-сонли "Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни амалга оширишда корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларига риоя этилиши бўйича таҳлил қилинганда, жамиятда қўйидагича:

(минг сўм).

т\р	счет	гурухлари номи	Баланс хисоботи		Фарқи
№	№		1.01.2020 й холатида	31.12.2020 й холатида	
1	4000	Харидор ва буюртмачилар билан узаро хисоб-китоблар	12 452 176	12 958 924	506 748
2	4300	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунаклар	217 494	369 519	152025
3	4400	Давлат бюджетига бунак туловлари	636 536	36 347	-600 189
4	4500	Давлат мақсадли туловлари	25 853	29 823	3 970
5	4700	Ходимларнинг бошқо операциялар буйича қарзини ҳисобга олувчи счет	215 469	86 431	-129 038
6	4800	Бошқа дебитор қарздорликлар	421 281	194 847	-226 434
		Жами:	**13 968 809**	**13 675 891**	**-292 918**

Ушбу таҳлилдан куринадики, 2020 йил бошига 13 968 809 сўм дебитор қарздорлик булиб, хисобот йил охирига 13 675 891 сўмни ташкил этган 2020 йил 1-январга нисбатан 2020 йил 31-декабр ҳолатига -292 918 минг сўмга камайган. Шу жумладан "Харидор ва буюртмачилар билан ўзаро хисоб-китоблар" счёти бўйича "Aziya Plast Kapital" МЧЖдан-421 184 минг сўм, "Film Plast Jizzax" корхонасидан-78 400 минг сўм, "Helbeto-Jizzax Chemicals" корхонасидан 55 026 минг сўм, "Jizzax Akkumlyator Zavodi"дан-33 477 минг сўм, "Jizzax Suv Ta`minoti" корхонасидан-5 672 334 минг сўм, "Kimyogar Qop" корхонасидан-655 765 минг сўм, "Maqsadga Intilish" МЧЖдан-427 428 минг сўм, "Murodil Vaqt Invest" корхонасидан-1 106 690 минг сўм, Arnasoy Qishloq Xo`jaligi Ishlab Chiqarish Kooperativi"дан-395 000 минг сўм, "Bio Eco World" қўшма корхонасидан-2 535 920 минг сўм дебиторлик қарздорликлари мавжуд.

Пул маблаглари

7.Банкдаги ҳисоб рақамлари ва касса ҳисоботи аудити.

Жамият ўз фаолиятини юритиш учун банкда асосий ҳисоб рақами ва махсус ҳисоб рақамларига эга.

Ҳисобот йили давомида жорий ҳисоб рақамларида 25 506 930 минг сўм дебет ва 25488112 минг сўм кредит айланмаси амалга оширилган.

Ҳисоб рақамидаги пул маблағлари (5100) да ҳисобот йили бошига 2 124 минг сўм, ҳисобот йили охирига 20 942 минг сўм қолдиқ сўмма қолган.

Чет эл валютасидаги пул маблаглари (5200) ҳисоб рақамида ҳисобот йили бошига 5181 минг сўм қолдиқ сумма бўлиб, ҳисобот йили давомида 2464981 минг сўм дебит ва 2470162 минг сўм кредит айланма бўлиб, ҳисобот йили охирига қолдиқ қолмаган.

Бошка пул маблаглари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) -махсус ҳисоб рақамларида ҳисобот йили бошида 51548 минг сўм қолдиқ сумма бўлиб, 21370758 минг сўм дебит ва 21382413 минг сўм кредит айланма бўлиб, ҳисобот йили охирида 39894 минг сўм қолдиқ сумма қолган.

5830-қисқа муддатли инвестициялар буйича ҳисобот йили бошида 630 986 минг сўм қолдиқ сумма бўлиб, 155 301 минг сўм дебит ва 17295 минг сўм кредит айланма бўлиб, ҳисобот йили охирида 768992 минг сўм қолдиқ сумма қолган.

Жамиятни бухгалтерия балансини 570 сатрида узоқ муддатли банк кредитлари ҳисобот йили бошига 10 826 655 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 8 444 052 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятни бухгалтерия балансини 580 сатрида узоқ муддатли қарзлар ҳисобот йили бошига 48 499 минг сўмни, ҳисобот йили охирига 48 499 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ташқарисидаги банк муассасаларида ҳисоб-китоб, депозит, жорий ва валюта ҳисоб рақамлари мавжуд эмас.

Ҳисоб рақамлар буйича ҳисоботлар банк кучирмалари бўйича солиштирилганда ва қолдиқларида фарқлар аниқланмади.

Жамиятда 2020 йил ҳисобот йили давомида кассага кирим 59 600 минг сўмни ва чиқим 59 600 минг сўмни ташкил этган. Асосан банкдаги ҳисоб рақамидан ишчи хизматчиларни ойлик иш ҳақлари тўлови учун кирим қилиниб мақсадли сарф қилинган.

Ҳисобот йили бошида ва ҳисобот йили охирида кассада қолдиқ қолмаган.

8. Кредитор қарздорликлар аудити.

Жамиятда кредитор қарздорликлар қўйидагича:

(минг сўм).

т\р №	счет №	Номи	Баланс ҳисоботи		Фарқи
			1.01.2020 ҳолатида	31.12.2020 ҳолатида	
1	6000	Мол етказиб берувчилардан қарз	5 253 856	3 131 168	-2 122 688
2	6300	Олинган бўнаклар	289 939	1 185 260	895 321
3	6400	Бюджет тўловлари қарзи	62 133	197 629	135 496
4	6520	Давлат максадли фондлари ажратмалар карзи	354 367	120	-354 247
5	6600	Таъсисчиларга бўлган қарз	341 294	917 908	576 614
6	6700	Мехнатга хақ тўлаш бўйича карз	627 146	156 863	-470 283
7	6900	Бошқа кредитор қарзлар	2 048 097	2 023 072	-25 025
		Жами:	**8 976 832**	**7 612 021**	**-1 364 811**

Ушбу таҳлилдан кўринадики, жамиятни баланс ҳисоботи бўйича 2020 йил 1-январ ҳолатида жорий кредитор қарздорлик жами 8 976 832 минг сўмни, 2020 йил 31-декабр ҳолатида кредитор қарздорлик 7 612 021 минг сўмни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан 1 364 811 минг сўмга қарздорлик камайган. Шу жумладан "Мол етказиб берувчилар қарз" счётида "Jizzax Akkumlyator Zavodi"дан-67 588 минг сўм, "Shurtan Gaz Kimyo Majmuasi" МЧЖдан-1 275 466 минг сўм, "Rokosan" МЧЖдан-1 698 499 минг сўм кредиторлик қарздорлик мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасига мувофиқ умумий даво муддати 3-йиллигини ҳисобга олган ҳолда дебитор қарздорликларни зарарга олиниши ва кредитор қарздорликларни даромадга олиниши ҳамда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома"га 2-ИЛОВАни 442 бандига мувофиқ, 007 "Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи" счёти қарздорларнинг тўлашга қобилияти бўлмаганлиги туфайли зарарга ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ахборотларни умумлаштириш учун мулжалланганлиги, бундай қарз ҳисобдан чиқарилган пайтидан бошлаб беш йил давомида қарздорларнинг мулкий ҳолати ўзгарган вақтда қарзни ундириб олиш имкониятини кузатиб бориш учун балансдан ташқари счётда ҳисобга олиниши лозим

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150 моддасига мувофиқ умумий даво муддати 3 йиллигини ҳисобга олган ҳолда дебитор қарздорликларни зарарга

олиниши ва кредитор қарздорликларни даромадга олиниши ҳамда Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома"га 2-ИЛОВАни 442 бандига мувофиқ, 007 "Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи" счёти қарздорларнинг тўлашга қобилияти бўлмаганлиги туфайли зарарга ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ахборотларни умумлаштириш учун мулжалланганлиги, бундай қарз ҳисобдан чиқарилган пайтидан бошлаб беш йил давомида қарздорларнинг мулкий ҳолати ўзгарган вақтда қарзни ундириб олиш имкониятини кузатиб бориш учун балансдан ташқари счётда ҳисобга олиниши лозим.

9. Ўз маблағлари манбалари аудити.

Жамиятда 2020 йил боши ва охирига хусусий капитали қўйидагилардан иборат:

(минг сум хисобида).

№	Номи	01.01.2020 й	31.12.2020 й
1	Устав капитали	13 979 419	15 198 244
2	Қўшилган капитал		133 802
3	Резерв капитали	20 735 084	20 235 824
4	Тақсимланмаган фойда (Қопланмаган зарар)	3 531 681	201 232
5	Максадли тушумлар	2 959 992	4 549 382

9.1.Устав капитали.

Жамиятнинг Устав жамғармаси 15 198 243 860 (ўн беш миллиард бир юз тўқсон саккиз миллион икки юз қирқ уч минг саккиз юз олтмиш) сўм миқдорини ташкил этиб, хар бир акциянинг номинал қиймати 3 065 (уч минг олтмиш беш) сўм бўлган 4 958 644 (тўрт миллион тўққиз юз эллик саккиз минг олти юз қирқ тўрт) дона оддий акцияга бўлинган.

Жамият Устав жамғармасида таъсисчиларнинг улушлари қўйидагича тақсимланган:

- давлат улуши 60,89 фоиз ёки 9 254 828 800 (тўққиз миллиард икки юз эллик тўрт миллион саккиз юз йигирма саккиз минг саккиз юз) сўмлик 3 019 520 (уч миллион ўн тўққиз минг беш юз йигирма) дона оддий акция;
- хўжалик ("Ўзкимёсаноат" АЖ) улуши 24,94 фоиз ёки 3 790 595 840 (уч миллиард етти юз тўқсон миллион беш юз тўқсон беш минг саккиз юз қирқ) сўмлик 1 236 736 (бир миллион икки юз уттиз олти минг етти юз уттиз олти) дона оддий акция;
- бошқа юридик ва жисмоний шахс акциядорлар улуши 14,17 фоиз ёки 2 152 819 220 (икки миллиард бир юз эллик икки миллион саккиз юз ўн тўққиз минг икки юз йигирма) сўмлик 702 388 (етти юз икки минг уч юз саксон саккиз) дона оддий акцияга бўлинган.

9.2. Резерв (захира) капитали.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддаси (*Жамиятнинг фондлари ва соф активлари)*га асосан жамият уставида назарда тутилган, яъни устав фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият Захира фонди тузилиши кўзда тутилган.

Жамиятнинг Захира фонди жамият Уставида белгиланган микдорга етгунига кадар хар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар утказиш оркали соф фойданинг 5 фоизидан кам булмаган холда Захира фондига ажратма ажратиш йўли билан шакллантирилади.

Жамиятнинг заҳира фонди кўрилган зарарларни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар буйича дивидендлар тулаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган

акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мулжалланган бўлиб, Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

Жамиятда Заҳира фонди (Резерв капитал) устав фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тузилиши кўзда тутилган бўлиб, Захира фонди тўлиқ шакллантирилган.

9.3. Тақсимланмаган фойда (Қопланмаган зарар).

Жамиятда таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) ҳисоби 8700 счетда учети юритилган булиб, 2020 йил 1 январ ҳолатига 3531681 минг сўмни, 2020 йил 31 декабр ҳолатига 201232 минг сўмни ташкил қилган.

9.4. Ўтган йилги соф фойда тақсимоти.

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йигилиши жамиятнинг 2019 йиллик молиявий хўжалик фаолияти якуни буйича 2020 йилда ўтказилган бўлиб, унда жамиятнинг ўтган йил якуни буйича соф фойдаси 3531681 минг сўм қўйидагича тақсимот қилинган, яъни:

50 фоизи 1 765 989 минг сўм дивиденд тўловларига, 5 фоизи 176 599 минг сўм жамиятнинг заҳира фондига, 1 фоизи 35 320 минг сўм меҳнатни муҳофаза қилиш фондига, 34 фоизи 1 200 872 минг сўм жамият устав фондини кўпайтиришга, 10 фоизи 353 198 минг сўм инновацион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиб, жамиятнинг марказий бухгалтериясида 21- сонли БХМС асосида бўхгалтерия проводкалари берилган.

10. Дивидентлар тўлови аудити.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сонли янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни *(51-модда. Дивидендларни тўлаш тартиби)* ижросига эътибор берилиши таҳлил қилинганда, 01.01.2020 йил ҳолатига дивиденд суммаси 341 294,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 1 765 989,0 минг сўм ҳисобланиб, ҳисобот йили давомида 1 191 075,0 минг сўм тўланиб, ҳисобот йили охирига 917 908,0 минг сўм қолдиқ сумма қолган. (Маълумотнома илова қилинади).

11. Даромадлар аудити.

Молиявий натижалар буйича 2-сон шаклда 2020 йилда товар (иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум жамиятда 25 057 818 минг сўмни ташкил этган. Бу асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, хизматлар кўрсатиш ҳисобига амалга оширилган.

Жамиятни 2020 йил молиявий хўжалик фаолиятининг якуни буйича тузилган молиявий натижалар тўғрисидаги №2 сон ҳисоботининг 90 сатрида 9300-счет асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 362 564 минг сўмни ташкил этган.

Даромадларни тан олишда 3-БХМС қоидаларига ва «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши тавсия этилади.

12. Харажатлар аудити.

Жамиятда харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 1-январдаги ва унга ўзгартиришлар билан қабул қилинган 1999 йил 5-февралдаги №54 ва 2003 йил 25-декабрдаги 567 сонли «Маҳсулотлар (иш хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотилиши бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларининг таркиб топиши» тўғрисидаги Низом асосида ва 21-сонли БХМС счетлари асосида ишлаб

чиқариш таннархи харажати, маъмурий харажатлар, бошқа операцион харажатлар алоҳида юритилиб, харажат турлари бўйича таҳлиллар қилинган.

Жамият томонидан тақдим қилинган ҳисобот кўрсаткичларига асосан 2020 йил давомида қўйидаги харажатлар амалга оширилган:

т\р	Харажатлар гурухи	2020 йилда Ҳақиқатда
1	Сотилган маҳсулот таннархи	16 672 292
2	Давр харажатлари	5 370 719
3	Шу жумладан, сотиш харажатлари	
4	Маъмурий харажатлар	2 693 600
5	Бошка операц х-жатлар	2 677 118
6	Молиявий фаолият харажатлари	3 150 077

Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда 285 357 минг сўмни, фойда солиғи 84125 минг сўмни, соф фойдаси 201232 минг сўмни ташкил этган.

13. Штатлар жадвали ва иш ҳақи аудити.

Штатлар жадвали жамият бошқарувининг тегишли қарор ва буйруқлари билан тасдиқланган.

Жамиятда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган туловлар тўлиқ 1С-Программада ҳисобланган.

Меҳнат ҳақи тўловлари буйича қарздорлик 2020 йилнинг 1-январ ҳолатига 627 146 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йил давомида 6 709 846 минг сўм хисобланган ва хисобот йилида 7 180 128 минг сўм тўланган. 2020 йил 31-декабр ҳолатига кредитор қарздорлик 156 863 минг сўмни ташкил қилган.

Жамият ишчи ходимларнинг меҳнат ҳақи тўловлари буйича 2020 йилнинг 1-январ ҳолатига 627146 минг сўм кредиторлик қарзи мавжуд бўлган. Жамият 2020 йил давомида ишчи ходимларга 6 530 285 минг сўм иш хаки хисоблаган ва хисобот йилида 6 981 954 минг сўми тўлаб берилган. 2020 йил 31-декабр ҳолатига ишчи ходимларнинг иш хақидан 156863 минг сўм кредиторлик қарздорликларни ташкил қилади.

Корхона маъмурияти томонидан 1999 йил 17-октябрдаги Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг “Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субьектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги 504-сонли қарорининг ижросига тўлиқ риоя этилиши лозимлиги аудит тавсия этилади.

Жамият маъмурияти ва ходимлар касаба уюшмаси билан тузилган жамоа шартномаси 5.4. банди буйича асосий меҳнат таътили 18-иш куни, қўшимча таътил оғир ва ноқулай мехнат шароитига қараб 3-кундан 30-кунгача ва жами 48-иш кунидан ошмаслиги қайд этилган.

Жамиятда меҳнат таътили буйруқлари ва ҳисоблашлар текширувдан ўтказилганда Жамият маъмурияти ва ходимлар касаба уюшмаси билан тузилган жамоа шартномаси 5.4. банди буйича асосий меҳнат таътили 18 иш куни, қўшимча таътил оғир ва ноқулай мехнат шароитига қараб 3 кундан 30 кунгача ва жами 48 иш кунидан ошмаслиги қайд этилган.

14. Солиқлар ва Бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар аудити.

Жамиятда 2020 йил ҳисобот йили давомида “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2020 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА 2021-2022 ЙИЛЛАРГА МАҚСАДЛИ ЙЎНАЛИШИ ТЎҒРИСИДА”ги 9.12.2019 йилдаги N589-ЎзР қонунига ва Солиқ Кодексига мувофиқ қўйидаги солиқ ва ажратмалар тўлови амалга оширилган:

-қўшилган қиймат солиғи;
-ер солиғи;
-фойда солиғи;
-мулк солиғи;
-ишчи-хизматчилар иш ҳақидан даромад солиғи;
-сув солиғи;
-ижтимоий солиқ тўлови;
-ИНПСга 1%.

Қўшилган қиймат солиғи таҳлили

Жамиятнинг 2020 йиллик молиявий натижалари бўйича 2-сон шаклининг 010-сатрида маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум 25 057 818 минг сўмни ташкил этган бўлиб, Жамиятни ДСИга топширилган йиллик ҳисоботида 7-Илова - Йил бошидан жами товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмалари 30 194 586,7 минг сўмни, шундан - ПҚ-3695 04.05.2018 й 5-банд 3 хатбоши буюртмачи бош лойиҳа ва пудрат ташкилотлари, ишлаб чиқарувчи субпудрат ташкилотлари сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) жумладан, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва ускуналар ҚҚС дан озод этилган сумма 11 242 970,0 минг сўмни, 15 фоизли ставка қўлланиладиган айланмалар 18 582 853,4 минг сўмни, тўлаш учун ҳисобланган ҚҚС суммаси 2 787 878 минг сўмни, Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар буйича Етказиб бериш қиймати (ҚҚСсиз) 11 148 753,9 минг сўмни, ҚҚС суммаси 1 552 012,6 минг сўмни ташкил этганлиги қайд этилган ҳисобот ДСИга топширилган. Аудит текшируви таҳлили натижасига кўра фарқ аниқланмади.

Фойда солиқ тўлови

Жами даромадлар 25478445 минг сўмни, Чегириладиган харажатлар 24917615 минг сўмни, Солиқ солинадиган фойда 560830 минг сўмни, Солиқ базаси 560830 минг сўмни, Фойда солиғининг белгиланган ставкаси, 15 фоизни Фойда солиғи суммаси – жами 84124 минг сўмни ташкил этганлиги қайд этилган ҳисобот ДСИга топширилган. Аудит текшируви таҳлили натижасига кўра фарқ аниқланмади.

Мол-мулк солиғи

Жамиятда 2020 йилда мол-мулк солиғи ҳисоблаш базаси 2612838 минг сўмни, 2 фоиз ставкада 52257 минг сўмни ташкил этган ҳисобот ДСИга топширилган. Аудит текшируви натижасига кўра фарқ аниқланмади.

Сув солиғи

Жамиятда 2020 йилда 73749,9 минг сўм сув солиғи ҳисобланиб, ДСИга ҳисобот топширилган. Аудит текшируви натижасига кўра фарқ аниқланмади.

Ер солиғи

Жамият ҳисоботига кўра 2020 йилда 290552 минг сўм ер солиғи ҳисобланиб, ДСИга ҳисобот топширилган. Аудит текшируви натижасига кўра фарқ аниқланмади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби.

Жамиятда меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 371-моддаси) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлови ҳисоблаш базаси буйича 2020 йилда 6360807 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 12 фоиз ставкада 763297 минг сўм, ижтимоий солиқ тўлови

ҳисоблаш базаси буйича 6403832 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 12 фоиз ставкада 768460 минг сўм ижтимоий солиқ тўлови ҳисобланиб, ДСИга ҳисобот топширилган.

15. Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар ҳолати аудити. Ички аудит хизмати ҳолати.

Жамиятда тасдикланган ҳисоб сиёсати мавжуд. Бош китоб, асосий воситалар, ходимларни ойлик иш ҳаклари ва бошқа барча ҳисоб китоблар компютерда 1 С Программа дастури асосида юритилган. Жамиятнинг ҳисобхонасида бухгалтерия ҳисоби счетлари БХМС №21 га асосан юритилган. Мемориал-ордер тартибида тегишли счётлар асосида бухгалтерия проводкалари икки ёклама берилган.

Жамиятда ички аудит хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 2011 йил 14 сентябрдаги 258-сонли қарори билан тасдиқланган Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМига кўра фаолият кўрсатиши лозим бўлиб, шунга асосан жамиятда 2020 йил давомида бир нафар ички аудит хизмати аудитори фаолият кўрсатган. Ҳар чораклик ва йиллик ҳисоботлар тузилган.

16.Жамиятни мулкий ва молиявий ҳолатини таҳлили

АЖни 2020 йил йиллик молиявий хўжалик фаолиятини якунига кўра мулкий ва молиявий ҳолати таҳлили қўйидагича:

Кўрсаткичлар	1.01.2020 йилга		31.12.2020 йилга	
	Сумма минг сўм.	Улуш, %	Сумма минг сўм.	Улуш, %
Жами активлар	**64183189**	**100**	**59548085**	**100**
Ш.ж. Ўзоқ муддатли	30573386	47,63	30631285	51,44
Ш.ж. Жорий	33609804	52,37	28916800	48,56
Жами пассивлар	**64183189**	**100**	**59548085**	**100**
Хусусий капитал	41190063	64,18	40318485	67,71
Мажбуриятлар	22993126	35,82	19229600	32,29
Ш.ж. жорий мажбуриятлар	8992945	14,01	7612021	12,78
Тулов қобилиятлилиги даражаси	3,74		3,80	

Ушбу таҳлилдан кўринадики, жамият мулкини асосий қисмини ўзоқ муддатли активлар ташкил қилади. 2020 йил 1 январ ҳолатига жамиятни тўлов қобилиятлилиги даражаси 3,74 коэффицентни ёки 374 фоизни, 2020 йил 31 декабр ҳолатига 3,80 коэффицентни ёки 380 фоизни ташкил қилади. Қоплаш коэффициенти 1,25 дан юқори бўлганда тўловга қобилятли ҳисобланиб, жамият 31.12.2020 йил ҳолатига тўлиқ тўлов қобилиятига эга.

2020 йил йиллик молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича акциядорлик жамиятининг иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили (31.12.2020 й ҳолатига)

(минг сўмда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини

жорий этиш тўғрисида 2015 йил 28 июлдаги №207 сонли қарорини ижросини таъминланиши буйича жамиятда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари –СМКни ҳисоблаш, баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланиш таҳлили қўйидагича:

Фаол айланма маблағлар = жорий активлар – жорий мажбуриятлар
Фаол айланма маблағлар = 21304779

Активлар рентабеллиги = солиқ тўлагунга қадар фойда / активларни ўртача арифметик қиймати, яъни (активларни ҳисобот йили бошидаги қиймати+ активларни ҳисобот йили охиридаги қиймати)/2 = 0,005(285357/61865637)

Жорий ликвидлик коэффициенти = жорий активлар / жорий мажбуриятлар
Жорий ликвидлик коэффициенти =3,8

Тез ликвидли активлар = жорий активлар – ТМЗ - келгуси давр харажатлари
Тез ликвидли активлар = 14505719

Тез ликвидлик коэффициенти = Тез ликвидли активлар / жорий мажбуриятлар
Тез ликвидлик коэффициенти = 1,90
Ушбу кўрсаткич меъёр буйича > 1,00.

Абсолют ликвидлилик коэфициенти =Пул маблағлари/жорий мажбуриятлар =0,008.
Жамиятда ушбу кўрсаткич жуда паст.

Соф тез ликвидли активлар = Тез ликвидли активлар - жорий мажбуриятлар
Соф тез ликвидли активлар = 6893698

Молиявий мустақиллик коэфициенти=Ўз маблағлари манбалари/(мажбуриятлар-ўзоқ муддатли мажбуриятлар) =5,29

Қоплаш коэффиценти (тўлов қобилятлилиги даражаси) = активлар 2-бўлим жами/(пассив 2-чи бўлим жами - Ўзоқ муддатли мажбуриятлар) =3,80
Қоплаш коэффиценти 1,25 дан юқори бўлганда тўловга қобилятли ҳисобланади.

Кредиторлик қарздорликни айланмаси= шу даврдаги календар кун ҳисоби/(Махсулот (иш,хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушум/ кредиторлик қарздорликни ўртача арифметик қиймати, яъни (ҳисобот йили бошидаги қиймати+ ҳисобот йили охиридаги қиймати)/2=84,4

Дебиторлик қарздорликни айланмаси= шу даврдаги календар кун ҳисоби/(Махсулот (иш,хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушум/ дебиторлик қарздорликни ўртача арифметик қиймати, яъни (ҳисобот йили бошидаги қиймати+ ҳисобот йили охиридаги қиймати)/2=245,2

Жалб қилинган капитал рентабеллиги =соф фойда/жалб қилинган (ўзоқ муддатли мажбуриятлар) капитал йил бошига ва йил охирига нисбати =0,016

Акциядорлар капиталини рентабеллиги: соф фойда/акциядорлар капиталини ўртача йиллик қиймати =0,014

Дивидендни улуши (чиқиши): ҳисобланган (Ўтган йилги тақсимот) дивиденд/бир дона акцияга даромад =69,39.

Асосий воситаларни эскириш коэфициенти: асосий воситаларни эскириши/асосий воситаларни бошланғич қиймати = 0,04

Асосий воситаларни янгиланиш коэфициенти: кирим қилинган (сотиб олинган) асосий воситаларни баланс қиймати/ҳисобот охирига барча асосий воситаларни баланс қиймати =0,19

Мехнат унумдорлиги: соф тушум/корхона ходимларини ўртача сони = 78305,68.

Фонд қайтими: соф тушум/асосий воситаларни ўртача арифметик қиймати (012 сатри) = 1,15.

Ходимларни малакасини оширишга йуналтирилган сарф харажатларнинг бир ходимга нисбати: ходимларни малакасини ошириш харажатлари/ходимларни ўртача сони = 10,18

Ходимлар қунимсизлик коэффициенти: ҳисобот йили бошига ходимлар сони/ ҳисобот йили охирига ходимлар сони = 0,4

III. Якуний қисм.
Тавсия ва таклифлар

1. 2020 йил учун тузилган Бизнес-режа кўрсаткичларини бажариш, давр харажатларининг режа кўрсаткичларидан ошиб кетмаслигига, жарима ҳамда пенялар тўланишига йўл қўймаслик.

2. Дебитор қарздорликларга ва тўлов муддати ўтган дебитор қарздорликлар юзага келишига йўл қўймаслик.

3. 3-сон БХМС қоидаларига, яъни маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби тўғрисидаги низом қоидаларига, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 13-моддаси «Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш»га эътибор бериш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 октябрдаги ҳамда 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида туланиши учун Вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 504-сонли ва 88-сонли қарорлар талаблари бажарилишини таъминлаш.

Ушбу аудиторлик ҳисоботи 2 нусхада тузилди.

МЧЖ «AFROSIYOB AUDIT STANDART»
аудиторлик ташкилоти директори аудитор
(*аудиторлик сертификати №050865*) Ў.Б.Очилов.

МЧЖ «AFROSIYOB AUDIT STANDART»
аудиторлик ташкилоти ёрдамчи аудиторлари: Н.Султонов.

Ғ.Тўрақулов.

Аудиторлик ҳисобот билан танишдик ва унинг бир нусхасини олдик:

«JIZZAX PLASTMASSA» АЖ
бошқаруви раиси: Э.Ш.Тўрақулов

Бош ҳисобчиси: Р.Т.Джамолов